

4/2023,
iyul-
avgust
(№ 00066)



ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУДУД ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Мадаминов Инъомжон Озодович

Урганч давлат университети доценти в.б., PhD.

inomjon.ozodovich@gmail.com

<https://orcid.org/0000-0002-6832-9131>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss4/a11

Аннотация

Ушбу мақолада ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инвестиция сиёсатини амалга ошириш, инвестициялар самарадорлигини ошириш, ҳудуддаги турли инвестиция объектларига қўйилмалар учун хавфсиз шарт-шароитларни таъминлаш вазифаси ҳар бир мамлакат иқтисодий сиёсатига айланиши лозимлиги таъкидланган. Чунки республика ҳудудларига хорижий инвестицияларни жалб қилишда муаммолар ҳам учрайди. Жаҳон тажрибасига назар соладиган бўлсак, қоқоқ ҳудудларни ривожланган ҳудудларга айлантиришда асосий эътибор хорижий капитални жалб этишга қаратилади. Айнан ушбу масалалар мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Таянч сўзлар: хорижий инвестициялар, интеллектуал мулк, ҳудуд жозибаторлиги, инвестиция муҳити, реинвестиция, таваккалчилик, инвестиция сиёсати, драйвер, «очиқ» иқтисодиёт, модернизация, инновацион маҳсулот.

Аннотация

В данной статье подчеркивается, что задачей экономической политики каждой страны должна стать задача социально-экономического развития регионов, реализации инвестиционной политики, повышения эффективности инвестиций, обеспечения безопасных условий для инвестиций в различные объекты инвестирования в регионе. Потому что есть проблемы с привлечением иностранных инвестиций на территории республики. Если обратиться к мировому опыту, то основное внимание сосредоточено на привлечении иностранного капитала при превращении отсталых регионов в развитые. Именно эти вопросы определяют актуальность темы.

Ключевые слова: иностранные инвестиции, интеллектуальная собственность, региональная привлекательность, инвестиционный климат, реинвестирование, риск, инвестиционная политика, драйвер, «открытая» экономика, модернизация, инновационный продукт.

Abstract

This article emphasizes that the task of the economic policy of each country should be the task of the socio-economic development of the regions, the implementation of investment policy, increasing the efficiency of investments, ensuring safe conditions for investment in various investment objects in the region. Because there are problems with attracting foreign investment in the territory of the republic. If we turn to world experience, then the main attention is focused on attracting foreign capital in the transformation of backward regions into developed ones. It is these questions that determine the relevance of the topic.

Key words: foreign investment, intellectual property, regional attractiveness, investment climate, reinvestment, risk, investment policy, driver, "open" economy, modernization, innovative product.

Кириш

Инвестициялар - инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритилган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар ҳисобланади.

Республикамизда сўнги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг таҳлилини кузатадиган бўлсак, ижобий ютуқлар ҳамда эришилаётган самарадорлик кўрсаткичлари негизида олиб борилаётган фаол инвестиция сиёсати эканлигини англаш қийин эмас. Президентимиз кенг миқёсли инвестициялар юртимиз иқтисодиётини мустаҳкамловчи омил бўлишини алоҳида таъкидлаб, шундай фикр юритади. Яъни, “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди”¹. Бу борада мамлакатда фаол инвестиция сиёсати олиб борилишининг ўрни жуда муҳимдир.

Шунга кўра, республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқаришнинг самарали тизимини яратиш, уларнинг инвестицион муҳит жозибadorлиги, салоҳиятини баҳолашнинг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, ҳудудларнинг ривожланиш тенденциясига разм соладиган бўлсак, бугунги республика иқтисодиётини модернизациялаш шароитида ҳудудлар ўртасида табиий-демографик, маъмурий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жабҳалардаги тафовутлар юқориликча қолаётгани, қатор вилоятларнинг бозор муносабатлари қонунларига ҳалигача мослаша олмаётгани туфайли ҳамон субвенцияда тургани, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг нотекислиги, ишлаб чиқариш кучларининг рационал жойлаштирилмагани, аҳоли даромадларидаги фарқнинг бири-бирдан юқориликча қолаётгани каби муаммолар илмий изланишлар учун муҳим тадқиқот объекти бўлиб қолмоқда².

Айнан ушбу мақсадларга эришиш учун мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибadorлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард АҚШ доллари хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш вазифаси белгиланган. Яъни, 2026 йилгача хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш стратегиясини амалга ошириш, давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 миллиард АҚШ долларга тенг инвестиция жалб этиш³ кабиларни амалга ошириш мақсади кўзланган.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлис депутатларига йўллаган мурожаатномаси

²Ш.И.Мустафакулов “Инвестицион муҳит жозибadorлиги: назария, методология ва амалиёт” Монография, Тошкент., “Маънавият” 2017 й.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, 28.01.2022 й.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Жаҳон иқтисодий адабиётларига назар соладиган бўлсак, инвестициялар ва уларнинг ҳудуд иқтисодиёти ривожланишига таъсири борасида кўплаб ўрганишлар олиб борилган. Жумладан, Г.Армстронг ва Ж.Тейлор фикрича инвестицияларнинг ҳудудлар ривожланишидаги аҳамияти катта эканлиги, бу – катта илмий йўналиш бўлиб, минтақавий сиёсатнинг ўзаро таъсир қилувчи яхлит тизими сифатида ҳудудларни иқтисодий ўрганиш имконини беради. Бунда ҳудудий тенгсизликлар тизимини белгиловчи иқтисодиётнинг аниқ ҳолатини ифодалаш ва аҳолининг турмуш шароити яхшиланишига алоҳида эътибор қаратилади[1].

Т.Г.Морозова ва А.В.Александрова томонидан таъкидланишича, сўнги пайтларда ҳудудларнинг инвестиция сиёсати фаоллашди, бу инвестиция капиталини жалб қилиш бўйича рақобатни кучайтирмоқда, бу ўз навбатида, кўпроқ ресурслар ва инвестиция жараёнларини бошқаришнинг юқори сифатини талаб қилади. Бундай шароитда инвесторларнинг афзалликларини батафсил ўрганиш долзарб вазифага айланади[2].

Ж.Б.Воробьевага кўра, минтақавий инвестиция сиёсати - “ҳудуднинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш мақсадида ҳудудда инвестиция фаолиятини тартибга солиш ва рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи ҳамда уларни амалга ошириш механизми” дейилади[3].

Маҳаллий иқтисодчи-олимларимиздан А.Вахабов, Ш.Хажикабиев, Н.Муминовлар фикрига кўра: “Хорижий инвестицияларни қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётининг жозибадорлигини белгиловчи муҳим омил мамлакатнинг турли хил табиий ресурслар билан таъминланганлик даражаси ҳисобланади. Шунингдек, давлат инвестиция сиёсатининг асосий вазифалари сифатида хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида «очиқ» иқтисодиёт сиёсатини олиб бориш ҳамда хорижий инвесторларни ҳудуд тўғрисида тўлиқ инвестицион муҳитга оид маълумотлар билан таъминлаш зарур”[4].


Тадқиқот методологияси

Мақолада мавзуси доирасида кўтарилган масалани тизимли ёндашув, атлофлича таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини тизимлаштириш, мавзуга оид Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, қарорлари ва асарлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда маҳаллий ва хорижий олимларнинг назарий қарашларига асосланган ўзимизнинг фикрларимизни келтириб, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишда тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш, эксперт баҳолаш ва иқтисодий-математик, статистик каби усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва босқичма-босқич рақобатбардошлигини ошириш бўйича мақсад ва вазифаларини аниқлаш, асосий устувор йўналишлар ва юқори ўсиш суръатларига эришиш учун мавжуд заҳиралар салоҳиятидан оқилона фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Бугунги кунда ҳудудларнинг иқтисодий ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш, фойдаланилмай келаётган заҳираларни излаб топиш ва улардан оқилона фойдаланиш масалалари жудаям аҳамиятли экани барчага аён.

Худудларда инвестицион фаолият жаражасини аниқлаб берувчи омиллар⁴




Хорижий мамлакатлар тажрибалари шундан далолат берадики, бугунги кунда ҳар қандай мамлакат, худудда фаолият юритаётган корхоналар инвестицион фаоллиги натижадорлигини таъминлашда рақамли технологиялар ва фавқулотда юзага келадиган иқлим ўзгаришлари билан узвий боғланган ҳолда давлат томонидан инвестиция муҳит шароити яратиши керак бўлади. Худудлар инвестицион фаоллиги худуд инвестиция жозибдорлиги (ташқи ва ички омиллар ҳисоб олган ҳолда), инвестицион риск даражасига боғлиқ бўлади. Ривожланган давлатлар инвестицион фаолликини оширишга имкон берадиган навбатдаги омил бу мамлакат худудларида фаолият юритаётган корхоналар учун иқлим ўзгаришлари ва тежамкор рақамли технологиялар тўғрисида маълумотларни инвестиция дастурини қабул қиладиган давлатнинг маъсул ташкилотлари томонидан расмий сайтларда ҳар бир худуд ички ва ташқи потенциални ҳисобга олиш ҳамда шунга мувофиқ молиялаштиришни ташкил

этиш керак бўлади. Сўнги йилларда глобал пандемия инқирози оқибатида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими кескин тушиб кетди. Масалан, 2020 йилга келиб тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 35 фоизга тушиб кетди. COVID-19 пандемиясига қарши қўлланилган чора-тадбирлар натижасида бошланган кўплаб лойиҳаларнинг пасайишига ва ҳудудий корхоналар томонидан истиқболли лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ)нинг “Халқаро солиқ ислоҳоти ва барқарор инвестициялар” ҳақидаги 2022 йилги дунё бўйича инвестициялар ҳисоботида (ЮНКТАД) ушбу йўналиш борасида амалга оширилган амалий ишлар келтирилган. Ушбу йўналишда глобал ва минтақавий инвестиция тенденцияларини кузатиш ва халқаро бозорлардаги ўзгаришлар таҳлил қилинади. 2021 йилда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг тикланиши учун унинг барча ҳудудларда ўсиши билан боғлиқ бўлганлиги келтирилган. Бироқ, глобал ўсишнинг деярли тўртдан уч қисми ривожланган мамлакатлардаги тикланиш ҳисобига тўғри келиб, 746 миллиард АҚШ долларига етди (1-диаграмма). Бу кўрсаткич 2020 йилдаги кўрсаткичдан икки баравар кўп. Ушбу ўсиш асосан бирлашиш ва сотиб олиш (M&A) операциялари ва кўпмиллатли корхоналар тақсимланмаган катта даромадлари билан боғлиқ. Бу ўз навбатида, йирик инвестиция марказларида компания ичидаги йирик молиявий оқимларга ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзгаришига олиб келди. 2021 йилда тақсимланмаган фойданинг катта қисми кўпмиллатли корхоналарнинг рекорд даражадаги даромади натижасида шаклланди. Энг йирик 5000 та кўпмиллатли корхонанинг даромад даражаси икки баравар кўпайиб, жами айланманинг 8 фоизидан ошди. Ривожланаётган мамлакатларда кўпмиллатли корхоналар томонидан киритилган хорижий инвестициялар ҳажми 18 фоизга ошиб, 438 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ривожланаётган Осиё ҳатто пандемия даврида ҳам асосий сармоя манбаи бўлиб қолди. Минтақадан тўғридан-тўғри инвестициялар оқими 2021 йилда 4 фоизга ошиб, 394 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу бутун дунё бўйича тўғридан-тўғри инвестицияларнинг деярли тўртдан бир қисмини ташкил этади. Ривожланаётган Осиёга умумий ташқи инвестициялар ошган бўлса-да, штаб-квартираси минтақада жойлашган компаниялар 2021 йилда камроқ харидларни амалга оширди. Халқаро бирлашиш ва сотиб олиш (M&A) ҳажми 35 фоизга, яъни 45 миллиард АҚШ долларигача камайди. Штаб-квартираси Шарқий Осиёда (асосан Хитойда) жойлашган кўпмиллатли корхоналарнинг харидлари 2020 йилдаги 44 миллиард АҚШ долларидан 6,3 миллиард долларгача камайди⁵.

1-диаграмма

2020-2021 йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар мезбонлик қилувчи давлатлар⁶ (млрд.доллар)



2050 йилга келиб ер юзида 10 миллиард инсонлар яшаши прогноз қилинмоқда. Бунинг учун ўз навбатида ҳозирги кунга қараганда 4 баробарга яқин табиий ресурслар керак бўлади. БМТ дастурининг баҳолашига кўра, атроф муҳитни ўраб олаётган ер кўррасида 8,5 миллиард инсонларгина ўз эҳтиёжларини қондиришлари ва хавфсиз технологиялардан фойдаланишлари мумкин. Ўзгариб бораётган иқлим шароитлари ва экотизим инсоннинг иқтисодий ривожланиш учун қилаётган ҳаракатлари юзасидан турли хавфлар тобора ортиб бормоқда. Ўсиб бораётган аҳоли учун кўпгина молиявий, моддий ва технологик ресурсларга эҳтиёж сезиб, бу барқарор тараққиётни таъминлашни тақозо этмоқда⁷.

Жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган бундай мураккаб ҳолатлар ўз навбатида Ўзбекистон иқтисодиётини тубдан янги босқичга кўтариш ва макроиқтисодий муаммоларни баратараф этиш ҳамда иқтисодий ўсишнинг муҳим омилига саналган молия, инвестиция сиёсатини янгича ёндашувини ишлаб чиқишни тақозо этади. Маълумки, инвестиция фаолиятини марказлашмаган манбалар ҳисобидан молиялаштиришда хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз ва унга тенглаштирилган маблағлари ҳисобидан молиялаштириш жараёни тушунилади. Бундай шароитда фаол инвестиция сиёсатини юритиш учун давлат томонидан ҳудудлардаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш зарурати туғилади. Тармоқлар ва хўжалик юритиш субъектларида ҳозирги кунда олиб борилаётган инвестиция фаолияти тўлалигича ўзини оқлай олмаяпти. Негаки, айрим камчиликлар ва муаммоларни баратараф этиш зарур.

Уларни қуйида ифода этишни лозим топдик:

✚ мамлакатга киритилаётган инвестициялар оқими салмоғи жудаям юқори даражада эмас, тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми паст ва манбалари турлича, хилма-хил эмас;

✚ ҳудудий инвестиция сиёсатида барқарорлик етишмайди, инвестициялар ҳудудлар кесимида нотекис жойлашган; ишлаб чиқаришни трансформация қилиш, замонавийлаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни жалб қилиш даражаси етарли эмас;

✚ инвестиция ресурслари таркиби ривожланган мамлакатлардаги мавжуд меъёрларга, тузилишга тўлиқ мос келмайди;

✚ ҳудудларда инфратузилма ва коммуникацияларнинг ривожланиш даражаси етарли эмас, асосий воситаларни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари, айниқса ишлаб чиқариш тармоқларида фаоллик даражаси пастлиги;

✚ ҳудудларда муҳандислик ва илмий тадқиқот ишланмалари ҳамда технологиялари етишмаслиги, янги ишлаб чиқариш паст даражадалиги;

✚ маҳаллийлаштириш даражаси паст, товарлар импорти билан боғлиқ масалаларнинг мавжудлиги.

Алоҳида қайд этиш лозимки, аввалги хом-ашё реализация қилиш сиёсатидан жаҳон бозорига тайёр истеъмол маҳсулотлари чиқариш, шу асосда мамлакатимизга хорижий валюта ва инвестициялар оқимини янада кўпайтириш долзарб ҳисобланади. Иқтисодиётни модернизациялаш кўламини янада кенгайтириш, бунинг учун ташқи ва ички инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар

⁷Инфраструктура для устойчивого развития как привлечь инвестиции в новое качество проектов. <https://pppcenter.ru/upload/iblock/273/2731e9cc60b07a1226f8c3b5cc154e95.pdf>

ҳажмини кўпайтириш ва улардан самарали фойдаланишни рағбатлантириш масалалари ўз ечимини кутаётган устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бинобарин, иқтисодийни модернизациялаш ва инвестициялаш жараёнлари нақадар аҳамиятли эканини англаб олиш зарур. Чунки ҳудудлар, тармоқлар ва хўжалик юритиш субъектлари кесимида инвестиция фаоллигини оширишнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга самарали татбиқ этиш долзарб аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиз. Айнан ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда қабул қилинган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни меъерий-ҳуқуқий база ҳисобланади. Албатта бу борада амалий ишлар олиб борилмоқда.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш янаям мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2010-2021 йилларда аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар(минг.сўм)⁸

Ҳудудлар	2010 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Ўзбекистон Республикаси	583,2	1431,7	1608,6	2227,8	3769,6	5834,6	6140,3	7015,9
Қорақалпоғистон Республикаси	302,6	3388,2	2094,0	1542,2	3641,1	4644,4	3710,0	4069,6
Андижон	282,3	678,4	745,3	999,6	1550,3	2406,0	3047,2	3770,4
Бухоро	1321,5	2264,0	3237,6	6254,2	5112,4	5429,3	6295,0	9681,7
Жиззах	391,5	1033,1	1125,1	1361,9	2693,9	5778,9	8984,7	9267,9
Қашқадарё	678,5	1969,9	2389,3	3583,4	5193,4	7534,6	6214,7	4811,9
Навоий	2031,0	1965,1	3168,1	4185,4	10892,1	17855,2	15604,2	15931,5
Наманган	290,0	863,8	1074,8	1340,3	2992,5	4344,1	4229,2	4588,1
Самарқанд	344,0	912,0	1001,6	1189,4	1878,3	2674,9	3746,0	4442,4
Сурхондарё	312,7	773,0	879,1	1427,1	2848,3	4552,8	3792,2	4176,4
Сирдарё	564,3	1382,2	1660,3	2011,1	3280,2	7002,9	8425,4	10011,5
Тошкент	618,2	1595,0	1507,5	2087,2	3898,4	6970,0	7169,0	9538,7
Фарғона	300,1	731,6	747,8	822,4	1516,8	2336,2	2916,0	3348,9
Хоразм	264,6	884,7	885,8	1215,1	1655,6	2718,4	2868,2	4495,4
Тошкент ш.	1472,4	2877,4	3848,1	5552,7	10627,8	16710,5	19065,6	20433,9


Инвестицияларнинг ҳудудий таркиби шу билан тавсифланадики, уларнинг асосий қисми нисбатан юқори даражада ривожланган Тошкент ва Навоий иқтисодий ҳудудларига тўғри келади. Ушбу иккита ҳудуд жами аҳоли сони бўйича улуши 46,3 фоиз, инвестицияларнинг эса 50,4 фоизи тўғри келган. Инвестициялар ҳажми бўйича 2021 йилда 2010 йилга нисбатан Навоий иқтисодий ҳудудидан ташқари барча иқтисодий ҳудудларда бирмунча ўсиш кузатилган. Республика бўйича ўртача даражага нисбатан инвестицияларнинг юқорироқ суръатларда ўсиши Оролбўйи ва Мирзачўл

иқтисодий ҳудудларида, яъни ривожланиш даражаси нисбатан орқада қолган ҳудудларда кузатилди. Бунинг натижасида мазкур ҳудудларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ўртача республика кўрсаткичларига яқинлашмоқда.

Шунингдек, республикада инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) таркибидаги улуши борасида ҳам сезиларли тенденциялар кузатилмоқда. Буни қўйидаги 2-расмда янада аниқроқ кўришимиз мумкин.

2-расм

2000-2021 йилларда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши⁹, фоизда



Хусусан, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 2000 йилда 22,9 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб 33,3 фоизга мос равишда ўсган. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улушининг энг юқори нуқтаси 2019 йилда кузатилган. Бунда унинг салмоғи ЯИМга нисбатан 37 фоизга етган, 2021 йилга келиб 3,7 фоизли пунктга пасайган. Албатта бундай пасайиш тенденциясининг кузатилиши жаҳон миқёсида кенг тарқалган ва глобал пандемия билан бевосита боғлиқ бўлиб кўплаб мамлакатларнинг нафақат иқтисодий инқирозига балки инвестицион фаоллигини тўхтаб қолишига олиб келган.

Айнан ҳудудлар инвестицион фаоллигини янада ошириш борасида мамлакатимизда қатор ижобий ва тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони билан инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмларини ошириш бўйича, «пастдан-юқорига» тамойили асосида, янги тизим йўлга қўйиш, ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини чуқур таҳлил қилган ҳолда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва мониторинг қилиш ҳамда экспортни рағбатлантириш, ҳудудлардаги инвестиция кўрсаткичларидаги диспропорцияларни қисқартириш, устувор ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш каби вазифалар белгилаб олинган[5].

Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда оқилona инвестиция сиёсати олиб борилишида ва инвестиция фаолиятини молиялаштириш учун ташқаридан маблағ

жалб қилишда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг улуши ортиши, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва бошқа марказлаштирилмаган манбалар маблағлари ҳисобидан кўпайтиришда юқори самара беради.

Хулоса ва таклифлар

Жаҳон тажрибасига кўра, ҳозирги даврда мамлакатлар иқтисодий ўсиши учун фақат инвестициялар оқимининг юқори суръатларигина етарли эмас. Негаки, бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида ялпи инвестицияларда аҳоли маблағлари ҳиссаси озлиги, жамғарманинг камлиги таъсир қилади. Айнан шу тўғрисида инвестицияларни ҳудудлар кесимида молиялаштириш, тўғридан-тўғри хорижий маблағларни жалб этиш, инвестиция фаолиятини тартибга солиш объектив заруратга айланади.

Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

✓ мамлакат ҳудудларига киритилаётган инвестициялар оқими салмоғини янада ошириш, бунда тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий инвестициялар ва уларнинг манбалари турли хилда бўлишлигини таъминлаш;

✓ ҳудудларда инвестицияларни жалб этиш фаоллигини ошириш, нотекис тақсимланган маблағларни трансформация қилиш, ҳудуд корхоналарини модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни янада кўпроқ жалб қилиш;

✓ инфратузилма ва коммуникацияларнинг ривожланиш даражасини ошириш, асосий воситаларни янгилаш, ҳудуддаги ишлаб чиқариш тармоқларидаги фаолликни янада ошириш;

✓ ҳудудлардаги муҳандислик, илмий-тадқиқот ишланмалари ва янги технологияларни кўпайтириш орқали инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш;

✓ маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, миллий маҳсулот ва товарлар экспортини янада кўпайтириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни, 2019 йил 25 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, 2022 йил 28 январь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлис депутатларига йўллаган мурожаатномаси.

4. Н.Аrmstrong, J.Taylor (1993) Regional economics and policy. Harvester Wheatsheaf. London.

5. Т.Г.Морозова, А.В.Александрова Механизмы реализации инвестиционно-инновационной стратегии в стабильно развивающихся регионах РФ // Региональная экономика. – 2010. - № 18 (153)

6. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: «Молия», 2010. – Б. 153.

7. Ш.И.Мустафакулов “Инвестицион муҳит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт” Монография, Тошкент., “Маънавият” 2017 й.

8. Давлат статистика агентлиги расмий сайти (<https://stat.uz/uz/>) маълумотлари.